O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB...
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
27 май
ШАНБА

№ 41
(11.844)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

Янгийўл тумани:

## ИСЛОҲОТ БЕРАЁТГАН ИМКОНИЯТ

### 1. МЎШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

**Вилоятимизнинг файзли гўшалари кўп. Бугунги Янгийўл тумани, унинг маркази Гулбаҳорни ҳам ҳеч иккиланмай, ана шундай масканлар қаторида тилга олиш мумкин. Туманнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ҳудудда бўлсангиз, бир томонда уфқларга туташган пахтазорлар, бир тарафда ям-яшил боғ-роғлар, яна бир тарафда бири-биридан кўркам, замонавий бинолар, уй-жойлар кўз ўнгингизда намоён бўлади. Қишлоқ ва маҳаллалар бўйлаб чўзилган кенг ва равон йўллардан борар экансиз, кейинги йилларда юз очган бемисл ўзгаришлар, янгиланишлардан қувонасиз.**

Дарҳақиқат, Янгийўл бугун вилоятимизнинг ривожланган туманларидан бирига айланиб улгурди. Туманнинг ташкил этилганига бу йил роппа-роса 80 йил тўлади. Туман ҳудуди 423,4 квадрат километр. Унда 160 мингдан зиёд киши 80 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда умргузаронлик қилишмоқда. Уларнинг барчасини порлоқ келажакни барпо этишга қаратилган муштарак мақсадлар бирлаштириб туради.

Бугун туман аҳолисининг салкам 100 мингги қишлоқ хўжалиги, 9,5 минг нафари саноат, 2 мингдан ортиғи қурилиш, яна минг нафари транспорт ва алоқа тизимларида самарали меҳнат қилмоқда. Қарийб 8 минг киши фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларида фаолият юритади.

Айни дамда ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини тубдан яхшилаш, иқтисодий барқарорлик учун қишлоқ хўжалик соҳасидаги ислоҳотларни фаол ва муваффақиятли амалга ошириш туман тараққиётининг бирламчи омиллари ҳисобланади. Ўз навбатида, қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар, изланишлар, белгиланган чора-тадбирлар шу мақсадга қаратилган.

Шу ўринда туман иқтисодиётининг ўзак томирлари қишлоқ хўжалик тармоқлари эканлигини таъкидлаш жоиз. Туманда пахтачилик ва ғаллачилик, шунингдек, мева-сабзавотчилик, чорвачилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Пахтакорлар вилоят хирмонига ҳар йили 18 минг тонна атрофида пахта топширадилар. Яна шунча миқдорда бошоқли дон етиштирилади. Бугун туманда парваришланаётган чорва моллар туёғи 35 мингдан ошди. Уларнинг ҳаммаси шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидадир.

Аҳолига маиший, савдо ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам муносиб ўзгаришлар кўзга ташланади. Бугун туман аҳоли пунктларининг 90 фоизи табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланган. Аксарият ҳудудлар тўлиқ телефонлаштирилган. 200 га яқин маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари талаб даражасида фаолият юритмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари кўпайиб, янги мулкдорлар, ишбилармонлар сафи кенгайиб бораётир.

Албатта, туманда қишлоқ ва маҳаллаларга саноатни олиб кириш, янги иш ўринлари барпо этиш, касаначиликни ривожлантириш, фақатгина хом ашё етказиб бериш билангина кифояланиб қолмай, уларни қайта ишловчи ва истеъмол бозорига тайёр маҳсулотлар етказиб беришнинг мукаммал тизимларини йўлга қўйиш энг долзарб, шу билан бирга муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик масалалардан бири. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги дастлабки кунларданоқ, бунга жиддий эътибор берила бошланди. Агар туман аҳолиси асосан қишлоқларда истиқомат қилишини ҳисобга олсак, айни кунга келиб, аграр тармоқда олиб борилган ислоҳотлар, ўзгаришлар ва юзага келган янги тизим туфайли бўшаган ортиқча ишчи кучларни фойдали меҳнатга жалб этиш масаласи кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик, умуман, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантиришни тақозо этади. Бу борада туманда етарли имконият ва шарт-шароитлар мавжуд. Улардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадида кўплаб янги лойиҳалар, хорижлик шериклар билан ҳамкорлик битимлари тузилган ҳамда улар босқичма-босқич амалга оширилаётир.

Мустақилликнинг 15 йиллигига




## ҲАМКОРЛИККА АСОС СОЛИНДИ

**«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар залининг марказий павильонида Эрон Ислом Республикасининг 45 та фирма ва компаниялари маҳсулотлари, технологиялари ва хизмат турлари намойиш этилди.**

Таъкидлаш жоизки, ушбу кўргазма, айниқса, вилоятимизнинг ишбилармон доиралари учун анча фойдали бўлди. Тўрт кун давомида ҳақиқий имкониятлар эшиги очилганлиги ҳамда истиқболдаги ҳаракатларга замин яратилганлигини уларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиб олиш мумкин.

— Корхонамиз чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган, — дейди Зангиота туманидаги «Виртех-Агро» Ўзбекистон-Россия-Америка қўшма корхонаси бош директори Баҳодир Ҳошимов. — Ушбу кўргазмада иштирок этишимиздан асосий мақсад фаолиятимизни янада кенгайтириш учун имкон излаш эди. Бундан аввалги кўргазмаларда ҳам қатнашганмиз. Лекин, бу галгисида ишончли ҳамкорларни топишга эришдик. Улар билан янги техника ва технологияларни олиб келиб ўрнатиш ҳамда наслдор парранда сотиб олиш бўйича илк келишувларга эришдик. Тузилган лойиҳалар бўйича шу йили махсус микроиқлим ҳосил қилувчи цех келтиришни мўлжаллаб турибмиз.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ИШОНЧ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК

***муваффақиятларимизнинг мустаҳкам пойдеворидир, дейишди Бўка туманидаги Қўлдоштепа маҳалласи сайловчилари***

Қўлдоштепа Қўштепа қишлоғи ҳудудидаги икки маҳалладан бири. Бу ерда 3800 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳудуд аҳлининг 34 нафар ишончли вакили қатнашди.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилаётган сайловлар, — деди ўз ҳисоботида маҳалла оқсоқоли Ҳамиддин Жамолов, — ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш юзасидан олиб борилаётган демократик ислоҳотларда, аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий фаолиятини янада ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида муҳим босқич ҳисобланади. Бу қуйи бошқарув органларининг нуфузи ва ваколатини янада ошириб, ижтимоий масалалар ечимини босқичма-босқич топишига хизмат қилаётир. Зеро, бугунги кунда ушбу масала муҳим аҳамият касб этиб, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этишдаги ишларимизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Бугунги ислоҳотлар жараёни ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олди. Жумладан, Қўлдоштепа маҳалласида ҳам вояга етмаган ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Катталарнинг ёшларга бераётган панд-насиҳатлари, кўрсатган йўл-йўриқлари боис, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик кузатилмайди. Йигит-қизларда илм олишга ҳавас ортиб, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларига кириб ўқиётганлар кўпаймоқда.

Аҳолини ичимлик суви, табиий газга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ҳашар йўли билан 2,5 километр масофада газ қувурлари тортилди. Биргина муаммо ҳудудда қишлоқ врачлик амбулаториясини ташкил қилишдир. Туман ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бўлими мутахассислари аҳволни ўрганиб чиқишди. Лекин номаълум сабабларга кўра, бу масала ҳамон ўз ечимини топмаётир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида вакиллар номзодларнинг келгуси иш дастурлари билан танишиб, оқилона фикр юритган ҳолда маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллигига Ҳамиддин Жамоловни қайта сайлашди.

— Йиғилишда ўтган даврда қилинган ишлар билан яна бир бор танишиб чиқдик, — дейди халқ вакили Йўлдош Рустамов. — Биз учун аввалдан қолган қуруқ ваъдабозлик эмас, оз бўлсада, ишнинг ижобий натижаси керак. Оқсоқолга катта ишонч билан овоз бердик. Энди ҳар биримиз ҳамжиҳатлик билан ишга киришиб, оқсоқолга кўмакчи бўлсак, ечимини кутаётган муаммолар тезда ҳал бўлади.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ФАҚАТ ЖОНЛИ ИЖРОДА

**Бўка тумани маданият саройида мақом жамоалари ва катта ашула ижрочилари фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятимизнинг 21 та шаҳар ва туманларида фаолият юритаётган фольклор-этнографик жамоалар ҳамда якка иштирокчилар қатнашди. Фестиваль низомига кўра, ҳар бир иштирокчи ўз қўшиқларини фақат жонли ижро этди.**

Якуний натижаларга кўра, мақом жамоалари баҳсида Бўка туманининг «Дугоҳ», Оққўрғон туманининг «Наврўзи ажам», Зангиота туманининг «Ҳосил» жамоалари совринли ўринларга муносиб деб топилдилар.

Катта ашула йўналиши бўйича биринчи ўрин юқоричирчиқлик Акмал Усмоновга «Айтгани келдик», иккинчи ўрин зангиоталик Саидазим Қудратуллаевга «Хайр энди», учинчи ўрин эса, чирчиқлик Малика Эгамбердиевага «Дерлар» ашулалари учун берилди. Мақом йўналиши бўйича якка ижрочилар беллашувида Зангиота туманидаги «Ҳосил» ашула ва рақс халқ жамоаси хонандаси Жаҳонгир Мирзаев биринчи, ўртачирчиқлик Ҳасан Ғуломов иккинчи, бекободлик Хуршид Мирбобоев учинчи ўрин соҳиби бўлдилар.

Ғолиблар июнь ойида Хонқа шаҳрида бўлиб ўтадиган республика фестивалида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

**Шавкат ҚУЛИБОЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**



**25 май куни вилоят мактабларида 9-, 11-синф ўқувчилари учун сўнгги қўнғироқ янгради. Таҳсил давомида йиққан билим ва кўникмаларини яна бир бор синовдан ўтказгач, катта ҳаёт оқимининг ирмоқлари каби улуғ мақсадлар сари интилаётган ёшларга мустақил юрт, порлоқ истиқбол сари кенг имкониятлар эшиги очилмоқда.**

*Сўнгги қўнғироқ*

## ИСТИҚБОЛ ЭШИГИН ОЧМОҚДА БУГУН

Шунинг учун ҳам устозлар, ота-оналар қалбида фарзандлар келажагига умид, ишонч куртаклари барг ёзмоқда. Тантана ва шодликка, ҳаяжонга бой бўлган сўнгги қўнғироқ тадбири ангренлик ёшларга, хусусан, 3300 нафарга яқин битирувчиларга бир олам қувонч бағишлади.

Ангрен шаҳридаги 8-умумтаълим мактабини бу йил 196 нафар 9-синф битирувчилари тугатади. Байрамона безатилган мактаб ҳовлиси тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар, ота-оналар, ўқувчилар нигоҳида чуқур ҳаяжон.

Гулдурос қарсаклар остида майдондан ўрин олаётган битирувчилар ва устозларнинг кўзларида қувонч ёшлари.

— Бугунги битирувчиларга, мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагини таъминловчи ёшларга ҳавас қилмай бўладими? — дейди меҳнат фахрийси, Халқ таълими аълочиси Анорхон Нишоналиева. — Шаҳримиздаги энг замонавий ўқув муассасалари уларга мунтазир.

— Бу йилги битирувчиларимиздан умидимиз катта, — дейди мактаб директори Эркин Раҳматов. — Биргина 9 «А»-синфини 8 ўқувчи имтиёзли шаҳодатнома билан тугатаётир. Ўғил-қизларимиз келажакда истиқболи барқарор Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлишига ишончимиз комил.

Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокимлиги, вилоят ва шаҳар халқ таълими бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, маҳаллалар фаоллари битирувчиларга ўз эзгу тилак ва истакларини изҳор этишди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**



***СУРАТЛАРДА:** Бекобод туманидаги 6-умумтаълим мактабининг ўқувчилари Дилноза Турсунова ва Бекзод Мамажонов сўнгги қўнғироқ чалишмоқда; Тошкент туманидаги 9-мактабда бўлиб ўтган тадбир иштирокчиларининг бир гуруҳи.*

**Даврон АҲМАД,**
**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**





## КУМУШКОНДАГИ МАШҚЛАР САБОҒИ

**Паркент тумани Кумушкон қишлоғи ҳудудида фавқулодда ҳодисаларни бартараф этиш юзасидан ўқув машқлари бўлиб ўтди.**

Режада кўзда тутилганидек, сув тошқини «рўй бергач», аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Тошқин хавфи бартараф этилгач, туман автомобиль йўллар бошқармаси ишчи-хизматчиларидан таркиб топган махсус гуруҳ аъзолари аҳолини муҳофаза қилишга киришдилар. Бахтсиз ҳодиса туфайли жароҳатланганларга дарҳол тиббий ёрдам кўрсатилди.

Фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш учун газ, сув таъминоти, ўт ўчириш қисми, ички ишлар бўлими, ветеринария хизмати ходимлари ва бошқа соҳа мутасаддилари ўз аниқ ҳаракатлари билан ўқув машқлари кўнгилдагидек ўтишига муносиб ҳисса қўшдилар.

***СУРАТЛАРДА:** ўқув машқларидан лавҳалар.*

**З. ҲОЛИҚОВ олган суратлар.**

## СИНОВНИНГ УЧ ШАРТИ

**«Сардор-2006» кўрик-танловининг вилоят финал босқичи бўлиб ўтди. Унда «Камолот» ёшлар ижтимой ҳаракати вилоят шаҳар, туманларидаги сардорлар кенгаши аъзолари иштирок этиб, учта шарт бўйича ўзаро беллашишди.**

Танлов якунига кўра, «Энг фаол сардор» йўналиши бўйича Юқоричирчиқ тумани сардори Камола Норматова, «Энг ташкилотчи сардор» йўналиши бўйича Оққўрғон тумани сардори Нафиса Ботирова, «Энг ташаббускор сардор» йўналиши бўйича Янгийўл шаҳри сардори Зилола Азизова ғолибликни қўлга киритди.

Кўрик-танловда мутлақ ғолибликни Бекобод шаҳри сардори Наргиза Раҳмонова қўлга киритди.

Ғолибларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Дилдора ЭСОНОВА.**

**Бўстонлиқ тумани Товоқсой қўрғонидаги иқтисодиёт-тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи ўйингоҳида Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, ёшлар мураббийси Абдураҳим Асилтоев хотирасига бағишланган футбол турнири бўлиб ўтди.**

## ХОТИРА – АЗИЗ

Унда Чирчиқ шаҳри, Юқоричирчиқ ва Бўстонлиқ туманларидан келган 150 нафар ёшлар ҳамда фахрийлар 10 жамоага бўлинган ҳолда тўп суришди. Якуний натижаларга кўра, «Пахтакор-85» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Ғолибларга туман ҳокимлиги, Искандар қўрғони қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда ҳомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Отабек ЭЛТОЕВ.**

## САЙЛГА ЧИҚИБ, СОВҒА ОЛИШДИ

**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Янгийўл шаҳар бўлими «Ўз ҳуқуқингни биласанми?», «Соғломжон-полвонжон», «Биз — спортчилар оиласимиз» кўрик-танловларини мунтазам ташкил этаётир.**

Бундай тадбирларга ногирон ва етим болалар ҳам кенг жалб қилинмоқда. Ўтган беш ой мобайнида 400 дан зиёд она ва бола тиббий кўрикдан ўтказилди. 122 оила бепул дори-дармон билан таъминланди. Икки ногирон болага махсус аравача тақдим этилди. Оммавий сайлларда 300 бола иштирок этди.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**



***СУРАТДА:** болалар совғалардан мамнун.*
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Мустақилликнинг 15 йиллигига

## 2. КЎЛАМ КЕНГ, МАЗМУН ЯНГИЧА

Янгийўл тумани:

# ИСЛОҲОТ БЕРАЁТГАН ИМКОНИЯТ



— Яқинда дўкондан ўғлимга спорт кийими харид қилдим, — дейди тошкентлик Нилуфар Ҳамидова. — Хорижники бўлса керак деб, белгиларига қарасам «Я-дем текстил» деб ёзиб қўйилибди. Суриштирсам, бу юртимиздаги Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси экан. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотлар хорижникидан ортиқ бўлса ортиқки, лекин кам эмас.

Ҳа, Янгийўлда фаолият кўрсатаётган ушбу корхонага 2002 йилда асос солинган эди. 2003 йилда эса дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Корхонада айни пайтда йилига 5 минг тонна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти мавжуд, яъни у тўла қувват билан ишлаб келмоқда. Бу ерда асосан ички ва спорт кийимлари тайёрланади. Маҳсулотнинг бор-йўғи 5-10 фоизигина ички бозорда қолади. Қолган 90-95 фоизи экспорт қилинмоқда. Бугунги кунда АҚШ, Европа, МДҲ мамлакатлари асосий харидор ҳисобланади.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга кўпаймоқда. Хусусан, 2003 йилнинг бир ойи мобайнида 380 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 800 миллион сўмга етди. 2006 йилнинг уч ойлик якунлари шуни кўрсатдики, корхонада бу давр мобайнида 2 миллиард 289 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Айни кунларда Янгийўл туманида ана шундай тўла қувват билан ишлаётган 10 та қўшма корхона мавжуд бўлиб, шундан 6 таси саноат корхонаси ҳисобланади. Уларда тайёрланаётган маҳсулотлар сифат жиҳатидан хориж корхоналариникидан анча устун туради. Шунинг учун бўлса керак ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт ҳажми ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Шунингдек, туманда 1543 та микрофирма, 200 дан зиёд кичик корхона ҳамда 264 та хусусий фирмалар ишлаб турибди. Уларда йилига 26511,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти ва хизмат кўрсатилаяпти.

Халқобод нон корхонаси 1962 йилда қуриб ишга туширилган. Туманнинг энг кўҳна корхоналаридан бири бўлган бу завод ҳар ойда аҳолига 3 минг тоннадан зиёд нон ва нон маҳсулотларини етказиб бермоқда. 80 тоннадан зиёд макарон, 45 тоннага яқин қандолат, 30 тоннага яқин музқаймоқ, 30 минг деколитр яхна ичимликлар ҳам корхона томонидан аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Шунингдек, туман иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшаётган Усмон Юсупов номли очиқ турдаги акциядорлик компанияси ҳам ўзининг сифатли ҳамда бежирим консерва маҳсулотлари билан нафақат туман ёки вилоят балки, республикада танилган корхоналардан ҳисобланади. Юртимизда корхона муҳри босилган турли-туман шарбатлар, тузланган, маринадланган, қайлага айлантирилган бодринглар, помидору қовоқлар, бақлажон, булғор қалампирлари билан тўлдирилган банкалар кириб бормаган хонадон бўлмаса керак.

Мустақиллик йилларида бу ерда яна бир нечта қўшимча цехлар фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, болалар таоми цехида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳатто Россияда ҳам ўзининг ҳар тарафлама сифатлилиги билан машҳур бўлиб кетди. Йогурт сингари мўъжаз елим идишларга солинган мева ва сабзавот пюрелари болажонларимизнинг жону дилига айланган.

Туманда хусусий тадбиркорлик ҳам тобора кенг ривожланиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир. Темирчилик ортидан ном қозонган Расуловлар сулоласини туманда деярли барча билади. Ҳозир оила устахонасида тайёрланаётган турли темирчилик маҳсулотлари қўлма-қўл бўлиб, аҳолининг кундалик рўзғор эҳтиёжларига хизмат қилмоқда.

— Шу касбимиз орқали турмушимиз тўкин-сочин, — дейди сулола вакили Раҳматилла Расулов. — Ҳозир фарзандларимиз ҳам шу касбни эгаллаш йўлидан боришаяпти. Ҳар ҳолда пешона тери билан топилган нон ширин, муҳими беминнат бўлади. Ёшларни шу ақидага амал қилиб яшашга ўргатаяпмиз.

Бугун туманда ана шундай довруғи достон ҳунарманду усталар, чевару косиблар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар ўзлари айтгандай истиқлол берган неъматлардан баҳраманд бўлиб, юрт корига яраб, эл дуосини олиб яшамоқдалар.





*СУРАТЛАРДА: «Я-дем Текстил» қўшма корхонаси қадоқловчиси Раъно Орипова маҳсулотни кўздан кечирмоқда; корхона ишчилари Дониёр Йўлдошев ва Жасур Хакимовлар иш устида; (чапдан) қурувчи-муҳандис Талъат Ахмадулин ҳамкасблари Аброр Фаттоҳов ва Раимжон Асланов 22-мактабнинг янги биноси қурилишини муҳокама қилишмоқда.*

«Диққат, болалар!»

# МАШИНА ЙЎЛИ ЎЙИНГОҲ ЭМАС

**Ҳар бир фарзанд ота-она учун азиз ва суюклидир. Бироқ, баъзида уларнинг бепарволиги натижасида норасидаларининг бирор фалокатга йўлиқишлари ҳам бор гап.**




Кундалик хизмат давомида болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг бевосита гувоҳи бўламиз. Уларни таҳлил қилар эканмиз, аксарият ҳолларда бундай фалокатларга ота-оналар кундалик турмуш ташвишлари билан овора бўлиб, болаларини назоратсиз қолдиришлари сабаб бўлаётганига ишонч ҳосил қиламиз.

Жумладан, болаларнинг йўлнинг қатнов қисмида ўйнашлари, юриб келаётган транспорт воситаси олдидан кутилмаганда чиқиб қолишлари, транспорт воситасига осилиш ҳоллари, йўлнинг белгиланмаган жойидан ўтиш, йўл шароитини етарли англаб етмаслик ёки йўл ҳаракати қоидаларини билмасликлари ана шундай хунук оқибатларга олиб келмоқда.

Шу йилнинг 8 май куни Бўстонлиқ туманида ҳайдовчи Абдужамол Орипов шахсий «Тико» русумли автомобилида «Ғазалкент-Янгибозор» йўлида бораётиб, Умиджон Турсунқуловни уриб юборди. Болакай тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

Шунингдек, Янгийўл шаҳрида М. Акбаров шахсий ВАЗ-2108 русумли автомобили билан Э. Алиевни уриб юбориб, тан жароҳати етказди.

Вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан бу каби йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Йўлларда назорат, аҳоли ўртасида эса тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилди. Лекин шунга қарамай, автомобиль йўлларида ҳанузгача болалар иштирокида йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда.

Олиб борилган таҳлиллар эса бу ҳодисалар аксарият ҳолларда болаларнинг айби билан рўй бераётганини кўрсатмоқда.

Аммо, масаланинг бир жиҳати беихтиёр эътиборни тортади. Болаларнинг айби нимада?

Юқоридаги каби бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлаётган болалар 5 ва 6 ёшлар атрофида. Хўш, бу ёшдаги болалар ота-онасининг мунтазам назоратида, эътиборида бўлиши керак эмасми? Шундай экан болаларга доимо эҳтиёт бўлишни, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишни эслатиб туриш лозим.

Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ташаббуси билан шу йилнинг 20 майидан 30 майига қадар вилоят ҳудудида «Диққат, болалар!» тадбири ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этишдир.

**Собиржон ИРИСБЕКОВ,**
**вилоят ИИБ ЙҲХБ**
**бошлиғи.**

*Нуфузли фикр*

# СОҒЛИГИМИЗ, АВВАЛО, ЎЗИМИЗГА КЕРАК



**– Парранда гриппи ўз номи билан асосан паррандаларда, шунингдек, одамлар ва айрим сут эмизувчи ҳайвонларда учрайди, – дейди вилоят санитария-эпидемиология маркази бош шифокори Маҳмуджон Ўлмасов.**

– У одамларда юқори нафас йўллари яллиғланиши, тана ҳароратининг кўтарилишига олиб келувчи юқумли касалликдир. Унинг одамдаги яширин даври бир неча соатдан 2-4 кунгача давом этади. Касаллик тана ҳароратининг 39 даража ва ундан ҳам юқори кўтарилиши, ҳансираш ва йўтал билан бошланади.

Хавфли жиҳати шундаки, унинг клиник аломатлари одатдаги грипп касаллигига ўхшаб кетади. Тана ҳарорати кўтарилади, нафас олиш қийинлашади, йўтал, томоқда ва мушакларда оғриқ пайдо бўлади. Бу касалликка чалинган ҳар иккинчи кишида диарея аломатлари қайд этилиши билангина у одатдаги грипп касаллигидан фарқ қилади. Баъзи ҳолларда дард жуда енгил ўтиши ҳам мумкин. Вирус одам танасига тушганидан сўнг ҳам мутацияга учрайди. Айни шу жиҳат касалликнинг оғир аломатларини келтириб чиқаради. Беморларнинг аксариятида пиневмония, баъзи бирларида эса юрак ва буйракда оғир асоратлар қолдиради. Инсон оддий гриппга чалинганида учрайдиган асоратларнинг барчаси парранда гриппида ҳам учраши мумкин. Статистика маълумотларига кўра, парранда гриппи қайд этилган ҳудудларда беморларнинг ўлими 33-72 фоизга етиши мумкин.

**— Бугунги кунда бу касалликнинг дунёдаги тарқалиш кўламлари ва оқибатлари қандай?**

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, парранда гриппи Таиланд, Тайван, Лаос, Индонезия, Япония, Хитой, Бангладеш, Корея, Сингапур, Комбоджа, Вьетнам, Покистон давлатларида тарқалганлиги аниқланган. Бундан ташқари Туркия, Германия, Руминия, Хорватия, Болгария, Италия, Греция, Австралия, Украина ва Россия Федерациясида ҳам бу касаллик бўйича мураккаб эпизоотик-эпидемик вазият юзага келган. Умуман, бу дард уч қитъа ва 40 та мамлакат аҳолисига катта хавф туғдирди. Дунё бўйича парранда гриппи қайд этилган давлатларда 250 миллиондан ортиқ парранда йўқ қилинди. Қримда ёввойи қушларнинг оммавий қирилиб кетиши қайд этилди. Хитой давлати соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра, Сигуан вилоятида этимологияси аниқланмаган касалликдан 27 бемор нобуд бўлди. Туркияда 88 бемор парранда гриппидан даволанган ва уйларига қайтарилган. Лекин касалланганларнинг 5 нафари вафот этган. Касаллик кўлами кенгайишининг олдини олиш мақсадида, Жануби-Шарқий Осиё давлатларида 140 миллион парранда йўқ қилинди. Дунё бўйича H5N1 вирусини юқтириб олган 176 кишининг 54 фоизи — 96 киши нобуд бўлган.

**— Парранда гриппининг вилоят ҳудудига кириб келмаслиги учун қандай тадбирлар кўрилмоқда?**

— Парранда гириппини вилоятимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чунончи, қўшни давлатлар билан чегарадош бўлган жойлардаги 13 та санитария назорати постларининг фаолияти кучайтирилди. Уларда навбатчилик қилаётган тиббий ходимлар вилоят ҳудудига кириб келаётган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишмоқда. Автотранспорт воситалари дезинфекция қилинмоқда. Товуқ гўшти, гўшт маҳсулотлари, тухум ҳамда махсус сертификати бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари вилоят ҳудудига киритилмаётир. Шу билан бирга, касалланганлиги гумон қилинган беморни юқумли касалликлар шифохоналарига ётқизиб даволаш учун алоҳида хоналар ажратилган. Уларда керакли дори-дармонлар, дезинфекцияловчи моддалар захираси ташкил этилган, тиббий ходимлар махсус ниқоблар билан таъминланган. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, парранда гўшти ва унинг маҳсулотларини етиштирадиган, ишлаб чиқарадиган, сақлайдиган ва унинг савдоси билан шуғулланадиган жойлар устидан давлат санитария назорати мунтазам олиб борилмоқда. Барча ахборот воситаларидан кенг фойдаланилган ҳолда парранда гриппи ва бошқа ўткир респиратор касалликларнинг профилактикасига доир тарғибот ишлари кучайтирилди. Боғчалар, мактаб, лицей ва коллежларда давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ташкилот ва муассасаларга махсус варақалар тарқатилди.

**— Ҳар бир киши парранда гриппидан сақланиши учун нима қилиши керак?**

— Ҳар бир хонадонда боқилаётган паррандалар қафасда сақланиши, улар турган жой тез-тез тозалаб турилиши, бозорларда, дўконларда товуқ ва бошқа парранда гўштлари ҳамда маҳсулотлар фақат ветеринария хизмати ходимларининг рухсати билан сотилиши зарур. Оммавий ахборот воситаларида гоҳида гўштлар яхшилаб пиширилса, вируслар зарарсизланади, деган гаплар ҳам айтилмоқда. Лекин яхшиси бу дард билан «ҳазиллашмаган» маъқул. Ахир, соғлигимиз, аввало, ўзимизга керакку?

**«Тошкент ҳақиқати»**
**мухбири**
**Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
**суҳбатлашди.**

# ЯКДИЛ ФИКРЛИ ФАОЛ ЁШЛАР

***Пойтахтимизда «Ўзбекистон ёшлари: мақсад, вазифа ва масъулият» мавзуида ёшлар Форуми ўтказилмоқда.***

Бу анжуман Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Либерал Демократик партиясининг ёшлар қаноти ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланишича, ушбу анжуманга тайёргарлик кўриш жараёнида, жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятларда қатор давра суҳбатлари ўтказилди. Ўзаро мулоқотлар асосан ёшлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, 1200 нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди.

Анжуман ишида депутатлар, фуқаролик жамияти бўйича мутахассислар, ҳуқуқшунослар ёшлар масаласига оид маърузалар билан чиқдилар.

**«Туркистон-пресс».**

*Қарор ва ижро*

# САМАРАСИ ЭЪТИБОРГА ЯРАША

**Ҳаётимиз фаровонлиги, дастурхонимиз қут-баракаси кўп жиҳатдан она заминимиз унумдорлиги, бободеҳқонлар меҳнати, ғайрат-шижоатига боғлиқ. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоқларини жадал ривожлантириш, деҳқон меҳнати ва манфаатини қадрлаш, соҳада иш юритишнинг янги, замонавий, энг муҳими, истиқболли шаклларини жорий этишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг аҳамияти ҳам шунда.**

Бу ҳақда гап кетганда, мамлакатимиз раҳбарининг «Мева-сабзавотчилик, узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижросини таъминлашга қаратилган муҳим меъёрий ҳужжатларни алоҳида тилга олиш лозим. Айни пайтда бу йўналишда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ ерлар эгасини топди, тармоқда иш юритувчи фермерлар сафи кенгайди.

Хусусан, вилоятимиз бўйича мева-сабзавот, узум, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш корхоналари эҳтиёжларини тўлиқ қондириб, улар билан мустақил алоқаларни йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун мева-сабзавот етиштириш имкони юқори бўлган туманларда махсус дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилди. Унга кўра, бу йил вилоятимизда мева етиштиришни 87 минг тоннага етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, 70 минг тоннадан зиёд узум, қарийб 574 минг тонна сабзавот, 79,5 минг тонна картошка, 60 минг тоннага яқин полиз маҳсулотлари етиштирилиши режалаштирилган. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулотлар ўтган йилгига нисбатан ўртача икки ярим баробарга кўпаяди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, вилоятимиз далаларининг 13662 гектарида эртаки сабзавот етиштириш белгиланган бўлиб, ҳозиргача бу ишлар деярли якунланди. Унинг 3826 гектарини пиёз, 1089 гектарини сабзи, 3093 гектарини помидор, 592 гектарини карам, 2520 гектарини бошқа экинлар эгаллаган.

Дарвоқе, бу йил картошкачиликка ҳам катта эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Унга бўлаётган талаб ва эҳтиёжлар инобатга олиниб, экин майдонлари ўтган йилгига нисбатан қарийб 3,5 баробар кўпайди.

Юқорида тилга олинган Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида мева-сабзавотчилик йўналишида 9014 та янги фермер хўжаликлари ташкил этилди. Уларнинг 7212 таси боғдорчилик ва узумчилик йўналишидадир.

Аграр соҳанинг муҳим тармоғи ҳисобланган мева-сабзавотчилик ва узумчиликда иш юритиш ўзига хос мураккаб ва нозик жараён. У доимий эътибор, катта меҳнат талаб этади. Тошкент, Қибрай, Зангиота, Паркент, Оҳангарон ва Бўстонлиқ туманларидаги фермер хўжаликлари фаолияти ва экин майдонларининг бугунги аҳволи талабга жавоб беради. Мисол учун Тошкент туманидаги Тўхтамурод Раҳматов номли фермер хўжалигининг экин майдонларида ҳосилдорлик йилма-йил ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Хусусан, бу ерда сабзавот ҳосилдорлиги 280-330, картошка эса 200-250 центнерга етмоқда. Худди шу тумандаги «Тоир ота» фермер хўжалиги узумзорларида ўтган йили ҳосилдорлик 210 центнерга етказилди.

Бир сўз билан айтганда, тармоқ ривожи учун вилоятимизда етарли эътибор ва рағбат кўрсатилмоқда. Унинг самараси эртага, албатта, бўй кўрсатади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»**
**мухбири.**

# ИҚТИСОДИЁТДАГИ МУШТАРАКЛИК

***Иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида мамлакат молиявий сиёсатининг мазмуни ва вазифалари ўзгариб туради. Аммо ҳар қандай иқтисодий босқичда ҳам молиявий сиёсат давлатнинг асосий иқтисодий дастурларини амалга ошириш омили бўлиб қолаверади.***

Бу бежиз эмас, албатта. Бозор иқтисодиёти тизими ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, солиқ-бюджет сиёсати мамлакат молия тизимининг асосини ташкил этади. Мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тўғри йўналтириш, самарадорлигини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда солиқ сиёсати қандай асосга таянаётганлиги жуда муҳимдир. Ана шу яхлитликка эришиш мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, самарали бюджет сиёсатини юритишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Бугунги кунда деярли барча дунё мамлакатлари бюджетининг асосий қисмини солиқлардан тушадиган даромадлар ташкил қилади. Яъни, ялпи ички маҳсулотнинг маълум бир қисми солиқлар орқали бюджетга тушади. Шаклланган бюджет орқали давлат ўз зиммасидаги вазифаларни амалга оширади. Хусусан мудофаа, соғлиқнисақлаш, маориф ва шу каби умумдавлат аҳамиятига молик масалалар давлат бюджети томонидан молиялаштирилади. Шунинг учун бюджет даромадларини самарали шакллантириш учун, аввало солиқ сиёсатини юритиш принципларини мукаммал ишлаб чиқиш, солиқ сиёсатини соддалаштириш лозим. Бунинг учун эса аввало, солиқ юкининг мақбул чегарасини аниқлаб олиш ва шу билан бирга солиқлар бўйича имтиёзларни қисқартириш мақсадга мувофиқдир.

**Ўғилой ХОШИМОВА,**
**талаба.**

*Танлов*

# НАВБАТ — ВИЛОЯТ БОСҚИЧИГА

***Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда «Аёл — баркамол авлод мураббийси» республика кўрик-танловини ташкил этди.***

Вилоятимизда ушбу танлов бир неча босқичда ўтказилди. Дастлабки босқич мусобақалари қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларда ўтказилиб, ғолиблар шаҳар, туман биринчилигида иштирок этдилар.

Ниҳоят, ўтган ҳафта давомида вилоятдаги 21 та шаҳар ва туман вакилалари вилоят босқичига йўлланма олиш учун мусобақалашдилар.

Биринчи ҳудудлараро мусобақа Оҳангарон шаҳрида ўтказилди. Унда Оҳангарон, Паркент, Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ туманлари, Ангрен, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари вакилалари иштирок этишди. Қизиқарли ўтган мусобақаларда Ангрен шаҳридаги 29-мактаб директори Зарифа Шокирхонова ва Қуйичирчиқ туман ФҲДЁ мудираси Амона Холиқова ғолиб чиқдилар.

Ҳудудлараро босқичнинг яна бир мусобақаси Бекобод шаҳридаги мусиқа коллежида ташкил этилди. Унда Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Чиноз, Пскент, Ўртачирчиқ туманлари, Бекобод шаҳри вакилалари иштирок этишди. Якуний натижаларга кўра Бекобод шаҳар тиббиёт касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари Насиба Нурматова ва Бўка туманидаги 29-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилором Арслонова вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ниҳоят, Тошкент туманида бўлиб ўтган сўнгги ҳудудлараро босқичда Янгийўл, Тошкент, Зангиота, Қибрай, Бўстонлиқ туманлари, Янгийўл ва Чирчиқ шаҳарларидан келган вакилалар ўзаро мусобақалашдилар. Ҳайъат аъзоларининг якуний хулосаларига кўра, Янгийўл тумани Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари Машкура Мавлонова ва Чирчиқ шаҳридан тадбиркор Мўътабар Эргашева ғолиб деб топилдилар.

Якунловчи мусобақаларда шу олти нафар ғолиблар республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун курашадилар.

**Зулхумор ЖЎРАЕВА.**

